



УДК 616.31-084 (075.8)

ИПАК ЙИГИРУВ КОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИ ОРАСИДА СТОМАТОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ АНИҚЛАШ

Курбанова Н.И.

Бухоро давлат тиббиёт институти

✓ *Резюме*

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида енгил саноат корхоналарининг кенгайтирилиши, соҳада туб ислоҳотларнинг ўтказилиши, аҳолининг ушбу корхоналарда бандлигининг ортиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтган ҳолда, шу соҳада банд бўлган ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бутун дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда ипакчилик, шу жумладан ипак йигирув корхоналарида технологик жараёнларнинг автоматлашуви ва инфор­мацияларнинг кенг қўлланилиши ишловчилар ва технологик жараёнда қўлланиладиган кимёвий воситаларорасидаги бевосита контактни минималлаштирди, аммо уларнинг таъсири ҳамон сақланиб қолмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнидаги ноқулай иш шароитларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Калит сўзлар: ипак йигирув корхонаси, стоматологик текширишлар, оғиз бўйлиги шиллиқ қавват, симптомлар, соматик касалликлар.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ СРЕДИ РАБОТНИКОВ ШЕЛКОМОТАЛЬНОГО ПРОИЗВОДСТВА

Курбанова Н.И.

Бухарский Государственный медицинский институт.

✓ *Резюме*

Подчеркивая расширение предприятий легкой промышленности за годы независимости, проведение коренных реформ в отрасли, увеличение занятости населения на этих предприятиях, важно беречь здоровье работников этой отрасли. Расширение производства шелкопряда, особенно в развитых странах, включая автоматизацию технологических процессов и информационных технологий на предприятиях шелкопрядения.

Их использование сводит к минимуму прямой контакт между процессорами и химическими веществами, используемыми в процессе, но их воздействие остается прежним. Также стоит отметить неблагоприятные условия труда в производственном процессе.

Ключевые слова: шелкопрядильное предприятие, стоматологические осмотры, слизистая оболочка полости рта, симптомы, соматические заболевания.

DETERMINATION OF DENTAL DISEASES AMONG SILK WINDING WORKERS

Kurbanova N.I.,

Bukhara State Medical Institute

✓ *Resume*

Emphasizing the expansion of light industry enterprises over the years of independence, the implementation of fundamental reforms in the industry, the increase in employment at these enterprises, it is important to protect the health of workers in this industry. Expansion of silkworm production, especially in developed countries, including automation of technological processes and information technology at silkworm enterprises.

Their use minimizes direct contact between the processors and the chemicals used in the process, but their impact remains the same. It is also worth noting the unfavorable working conditions in the production process.

Key words: silk-spinning enterprise, dental examinations, oral mucosa, symptoms, somatic diseases.

Долзарблиги

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг ошиши, катта миқдорда инвестицияларнинг кириб келиши, кўплаб корхоналар, шу жумладан ипакчилик корхоналарининг ташкил этилиши ва фаолият юритишига замин яратмоқда. Илмий-техник тараққиёт ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори, сифати, турли-туманлигини ошириш, таннархини тушириш мақсадида турли кимёвий бирикмаларни жорий этишни талаб этмоқда. Бу ҳолат ипакчилик корхоналарига ҳам тегишли.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида енгил саноат корхоналарининг кенгайтирилиши, соҳада туб ислохотларнинг ўтказилиши, аҳолининг ушбу корхоналарда бандлигининг ортиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтган ҳолда, шу соҳада банд бўлган ишчилар саломатлигини муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади [4].

Бутун дунёда, айниқса ривожланган мамлакатларда ипакчилик, шу жумладан ипак йигирув корхоналарида технологик жараёнларнинг автоматлашуви ва информацион технологияларнинг кенг қўлланилиши ишловчилар ва технологик жараёнда қўлланиладиган кимёвий воситалар орасидаги бевосита контактни камайтирди, аммо уларнинг таъсири ҳамон сақланиб қолмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнидаги ноқулай иш шароитларини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Шу нуқтаи назардан барча корхоналарда, шу жумладан технологик жараёнида кимёвий бирикмалар ишлатиладиган ипакчилик корхоналарида ишлаб чиқариш муҳитидаги ноқулай омилларни камайтириш, меҳнатни тўғри ташкил қилиш ва ишчилар саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Лекин, ипакчилик корхоналаридаги ишлаб чиқариш муҳити билан боғлиқ касб касалликлари ҳамда стоматологик касалликлар келиб чиқишида турли кимёвий моддаларнинг ҳар хил комбинациялари пайдо бўлиши, уларнинг зарарли таъсири кучайиши, ишлаб чиқариш технологияларининг мураккаблашуви ипакчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутмоқда, деган фикр тадқиқотчилар томонидан тобора аниқ ва далилларга асосланган ҳолда билдирилмоқда [9].

Узоқ ва яқин хориж мамлакатлари тадқиқотчиларининг кейинги 20 йиллик илмий ишлари чуқур таҳлил қилинганда ҳам турли саноат корхоналари, шу жумладан ипак йигирув ишчилари орасида ҳам умумий соматик касалланиш, айниқса стоматологик касалликлар билан хасталаниш даражаси, унинг кўпайишига таъсир этувчи омиллар, касалликлар ташҳиси давоси ва қисман профилактикасига доир илмий манбалар борлиги маълум бўлди. Муаммонинг стоматологик жихатлари кўтарилган илмий ишлар асосан МДХ мамлакатлари, хусусан РФ, Украина, Белоруссия тадқиқотчилари томонидан эълон қилинган. Ушбу ишлар ҳам кам сонли бўлиб, охириги йилларга тегишли эмас. Бу ўтказилган тадқиқотлар масаланинг тиббий-ижтимоий, иқтисодий, гигиеник ва клиник томонларига эътибор бериш билан чекланган [1,7].

Маълумки, турли саноат корхоналари ишчилари саломатлигини муҳофаза қилиш ҳар бир давлатнинг олдида турган устувор йўналишлардан биридир. Ушбу масалаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши ишчилар саломатлигина сақлаб қолмай, балки улар узоқ вақт давомида меҳнатга лаёқатлилиқ қобилятини сақлайди, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади, корхонанинг даромадини кўпайтиради [3].

Бундай ҳолларда ишлаб чиқариш корхоналарида ишчилар саломатлиги ва уларнинг меҳнат унумдорлиги даражаси, меҳнат унумдорлигига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уларнинг ишчиларга салбий таъсирини камайтириш мақсадида профилактик тадбирларга катта аҳамият берилади. Профилактик тадбирларни режалаштириш ва амалга ошириш учун эса

асосий касбий гуруҳлар меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш ҳамда ишловчилар саломатлик ҳолатини аниқлаш муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқаришнинг ноқулай шароитларида ишчилар саломатлиги, меҳнатга лаёқатлилиги, меҳнат унумдорлигини сақлаб қолиш долзарб ва ўз заруратини йўқотмаган. Шундай ишлаб чиқариш корхоналаридан бири ипак йигирув корхоналаридир.

Маълумки, одам организмнинг барча тизим ва аъзолари, тўқималари ишлаб чиқариш салбий омиллари натижасида турли патологик ҳолатларга дуч келади, бу эса ҳаёт фаолиятига салбий таъсир этади. Шундай тизимлардан бири бу оғиз бўшлиғидир.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати, тишлар ва бошқа тўқималар, шунингдек ушбу биотоп меъерий микрофлораси, маҳаллий иммунитет омиллари ҳолати ташқи муҳит омилларига сезгирлиги маълум, шундай ташқи омиллардан бири ишлаб чиқаришнинг салбий омиллари, ноқулай ишлаб чиқариш шароитидир. Бошқа ишлаб чиқариш корхоналари қатори ипак йигирув корхоналарида ҳам ишловчиларга салбий таъсир қилувчи омиллар турлича бўлиб, уларнинг иш жойлари, ишлаб чиқариш технологик жараёнлари босқичларига боғлиқдир [4].

Илмий тадқиқот мақсади: ипак йигирув корхоналари ишчилари орасида стоматологик касалликларни ва оғиз бўшлиғига салбий таъсирини аниқлаш.

Илмий тадқиқот ишини бажариш мақсадида Бухоро шаҳрида жойлашган “Bukhara Brilliant Silk” ипак йигирув корхонасида фаолият юритувчи ишчилар саломатлиги, стоматологик статуси ўрганилди ва баҳоланди.

Материал ва усуллар

Жами шу корхонада меҳнат қилувчи 262 нафар ишчи тадқиқотларга жалб қилинди, улар меҳнатга лаёқатли ёшда бўлиб (19-60 ёш), 106 нафари (40,5±3,0%) шаҳарда, 156 нафари эса (59,5±3,0%) қишлоқда муқим истиқомат қилувчилар бўлди. Улар асосий гуруҳ сифатида шакллантирилди.

Олинган натижаларни қиёслаш мақсадида шу корхона атрофидаги маҳаллаларда яшовчи маҳаллий аҳоли назорат гуруҳини ташкил этди. Ушбу назорат гуруҳига 19-55 ёшга мансуб, “Bukhara Brilliant Silk” корхонасида фаолият кўрсатмайдиган 421 нафар аҳоли жалб этилди, уларнинг 328 нафари (77,9±2,0%) шаҳарда муқим истиқомат қилувчилар бўлса, 93 нафари (22,1±2,0%) қишлоқда доимий яшовчилар бўлди.

Ҳар иккала гуруҳда ҳам текширилган аёллар жами эркакларга нисбатан кўп бўлди - “Bukhara Brilliant Silk” корхонаси ишчиларининг (n=262) 200 нафарини аёллар (76,3±2,6%) ва 62 нафарини эркаклар (23,7±2,6%) ташкил этди. Корхона атрофида яшовчи маҳаллалардан барча текширилганларнинг (n=421) 300 нафарини аёллар (71,3±2,2%) ва 121 нафарини эркаклар (28,7±2,2%) ташкил этди. Асосий гуруҳда аёллар ва эркакларнинг бир бирига нисбатан 1:0,31 бўлган бўлса, назорат гуруҳида 1:0,40 бўлди. Кўриниб турибдики, жинслараро фарқ бир хил бўлиб, бу ҳолат тадқиқот гуруҳларининг бир бирига репрезентативлигини кўрсатади.

Ўрганилган тадқиқот гуруҳларидаги текширувчиларнинг ёш бўйича тақсимланиши 1-жадвалда келтирилган.

Келтирилган 1-жадвалдан кўриниб турибдики, текширилганлар гуруҳлари меҳнатга лаёқатлилиқ даражаси бўйича тенг тақсимланган. Ҳар иккала гуруҳ орасидаги рақамларнинг бир бирига статистик жиҳатдан яқинлиги қиёсланаётган гуруҳлар орасида репрезентативлиқнинг борлигини исботлади. Ҳар иккала гуруҳ орасида меҳнатга лаёқатли шахсларнинг кўп учраши кўрсатиб берилди.

1-жадвал

Ўрганилган контингентнинг ёш бўйича тақсимланишининг қиёсий кўрсаткичлари

Ёш	“Bukhara Brilliant Silk” корхонаси ишчилари	Шу корхонада ишламайдиган аҳоли
19-29 ёш	93/35,5±3,0	200/47,5±2,4
30-39 ёш	79/30,2±2,8	119/28,3±2,2
40-54 ёш	81/30,9±2,9	69/16,4±1,8
55 ёш ва ундан катта	9/3,4±1,1	33/7,8±1,3
Жами	262/100,0	421/100,0

Эслатма: суратда мутлоқ, махражда нисбий (%) сонлар.

Ўрганилган контингентни гуруҳларга (асосий, назорат) киритиш мезонлари куйидагича бўлди:

- асосий гуруҳга киритиш - “Bukhara Brilliant Silk” корхонасида ишлаши, 19-55 ёш оралиғида бўлиши, тадқиқотларга жалб қилинишига розилиги;

- назорат гуруҳига киритиш - ўрганилаётган корхонада ишламаслиги, 19-55 ёш оралиғида бўлиши, ушбу корхона атрофида доимий яшаши, тадқиқотларга жалб қилинишига розилиги.

Ҳар иккала қиёсланаётган гуруҳлар бир бирига репрезентатив бўлиб, фақатгина юқорида номи кўрсатилган корхонада ишлаши ёки ишламаслиги билангина тафовутланди. Илмий ишни бажариш жраёнида тадқиқотларнинг рандомизацияланганлигига эътибор қаратилди.

“Bukhara Brilliant Silk” корхонаси ишчилари ва шу корхона атрофида муқим яшовчи аҳоли стоматологик статусини ўрганиш учун ишчилар ва аҳолининг тиббиёт карталари ўрганилди, тиббий кўрикдан ўтказилди.

Стоматологик текширишлар анъанавий усуллар ёрдамида ўрганилди, тадқиқотларга жалб қилинганларда тишлов, тишлар, оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолати қиёсий баҳоланди, барча олинган натижалар шу тадқиқотлар учун махсус ишлаб чиқарилган карталарга киритилди.

Олинган натижаларни статистик ишлаш учун умум қабул қилинган вариацион статистика усуллари (Стъюдент ва Фишер усули) фойдаланилди. Унда ўртача арифметик миқдор (M), ўртача миқдор хатоси (m), ишончлилик мезони (t) аниқланди. Барча текширишлар “Pentium-IV” процессорли персонал компьютерларда тиббий-биологик текширишлар учун махсус “Exsel” дастури қўлланилган ҳолда амалга оширилди. Тадқиқотларни ташкил этиш ва ўтказишда далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига қатъий амал қилинди.

Натижа ва таҳлиллар

Ўрганилган контингент орасида стоматологик касалликларни ўрганиш учун ишловчи контингентнинг иш стажи бўйича тақсимланиши муқим аҳамият касб этади. Тадқиқотларга жалб қилинганларнинг кўпчилигини ($n=127$, $48,5\pm 3,1\%$) 1 йилдан 5 йилгача бўлган ишчилар ташкил этган, кейинги ўринларда 5 йилдан 10 йилгача иш стажига эга бўлган ишчилар ($n=103$, $39,3\pm 3,0\%$), шунингдек иш стажи 1 йилгача ($n=17$, $6,5\pm 1,5\%$) ҳамда 10 йил ва ундан ортиқ бўлганлар ($n=15$, $5,7\pm 1,4\%$) кейинги ўринларни банд этишган.

Стоматологик касалликлар шаклланиши ва ривожланишида иш стажи муддатининг аҳамияти катта, чунки иш шароитидаги ноқулай омиллар таъсири даври ҳам шу ҳолатга боғлиқ бўлади. Яшаш муддатлари бўйича улар куйидагича жойлашишди:

1 йилгача - $n=44$, $10,5\pm 1,5$;

1 йилдан 5 йилгача $n=79$, $18,8\pm 1,9\%$;

5 йилдан 10 йилгача - $n=204$, $48,5\pm 2,4$;

10 йил ва ундан ортиқ - $n=94$, $22,3\pm 2,0\%$

Стоматологик статусни ўрганиш беморлар шикоятларини ўрганиш ва баҳолашдан бошланди. Олинган натижалар ҳаққонийлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида асосий ва назорат гуруҳлар кўрсаткичлари қиёсланган ҳолда келтирилди (2-жадвал).

Келтирилган 2-жадвалдан кўришиб турибдики, стоматологик кўрик натижасида аниқланган ҳамда таҳлил қилинган 9 та кўрсаткичдан 8 тасида ($88,9\%$) асосий гуруҳ параметрлари назорат гуруҳидан статистик жиҳатдан ишонарли кўп эканлиги аниқланди ($P<0,05$ - $P<0,001$).

Аниқланган симптомларнинг корхона ишчиларида ушбу корхонада ишламайдиган аҳоли орасида кўп тарқалганлиги тадқиқотлар натижаларига кўра кўрсатиб берилди, ўрганилган стоматологик касалликларга доир баъзи бир симптомларнинг бўлса ишчилар орасида шу соҳада ишламайдиган аҳоли вакилларига нисбатан ишонарли фарқ қилиши аниқланди ва исботлаб берилди ($P<0,05$).

**Асосий ва назорат гуруҳлари вакилларида стоматологик касалликлар
симптомларининг учраш даражаси қиёсий кўрсаткичлари**

Симптомлар	Назорат гуруҳи, n=421		Асосий гуруҳ, n=262	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
Механик ва термик таъсирлардан оғриқ	87	20,7±1,9	30	11,5±1,9* ↓
Тишлар кимирашининг I-даражаси	48	11,5±2,6	100	38,2±3,0* ↑
Милклар қонаши	26	6,2±1,1	100	38,2±3,0* ↑
Ширинлик таъсирида тиш сезгирлиги ошиши	15	3,6±0,9	57	21,8±3,7* ↑
Тиш тозалаш пайтида қонаш	38	8,5±3,4	40	15,3±3,2* ↑
Оғиз бўшлиғи дискомфорти	4	1,5±0,6	29	11,1±1,9* ↑
Овқат таъсирида тиш сезгирлиги ошиши	6	1,4±0,5	28	10,7±1,8* ↑
Олдинги тишларнинг ёйилиши	25	5,9±1,5	23	8,8±2,4* ↑
Тишларда доғлар	0	0	3	1,1±0,6 ↑

Эслатма: *-асосий гуруҳ кўрсаткичларининг назорат гуруҳига нисбатан фарқлар ишончилиги; ↑, ↓ - ўзгаришлар йўналишлари.

Корхона ишчилари орасида симптомлар аниқланишидаги асосий ва назорат гуруҳлари орасидаги фарқлар куйидагича намоён бўлди:

- овқат таъсирида тиш сезгирлиги ошиши - 7,6 мартага (10,7±1,8% га қарши 1,4±0,5%);
- оғиз бўшлиғи дискомфорти- 7,4 мартага (38,2±3,0% га қарши 6,2±1,1%);
- милклар қонаши - 6,2 мартага (11,1±1,9% га қарши 1,5±0,6%);
- ширинлик таъсирида тиш сезгирлиги ошиши- 6,1 мартага (2,8±3,7% га қарши 3,6±0,9%) - 3-расм.

Бошқа параметрлар бўйича ҳам шунга ўхшаш натижалар аниқланди. Фақатгина механик ва термик таъсирлардан оғриқ назорат гуруҳида асосий гуруҳдаги ишчилар параметрларига нисбатан юқори бўлганлиги эътиборни жалб қилади. Шундай қилиб, “Bukhara Brilliant Silk” корхонасида фаолият юритаётган ишчилар орасида стоматологик касалликлар асосий симптомларининг учраш даражаси шу корхона жойлашган ҳудудда истиқомат қиладиган, аммо корхонада фаолият юритмайдиган аҳолига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Аниқланган 9 та кўрсаткичдан 8 таси ишчиларда 1,5-7,6 мартага кўп учраши билан тафовутланди. Катта миқдорда фарқланадиганва профилактик тадбирларни режалаштиришда эътибор талаб этадиган симптомларга овқат ва ширинлик таъсирида тиш сезгирлиги ошиши (7,6 ва 6,1 мартага), милклар қонаши (6,2 мартага), оғиз бўшлиғида дискомфорт (7,4 мартага) киритилди.

Тиш-жағ тизими яллиғланиш касалликлари учраш даражаси қиёсий ўрганилганда барча респондентларда асосан пульпит ва периодонтит каби стоматологик касалликлар ташхисланди: корхона ишчиларида 48,5±3,0% (n=127) ва 22,9±2,6% (n=60) га қарши 4,85±2,4% (n=204) ва 20,7±1,4% (n=87).

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, келтирилган параметрлар орасида ишонарли тафовут йўқ ($P>0,05$), бу эса стоматологик касалликлар ташхисланишида ушбу корхонада ишловчилар ва ишламайдиганлар орасида амалий жиҳатдан тафовут йўқлигини кўрсатади.

Аҳоли ва ишчиларнинг стоматологик касалликлар бўйича диспансер назоратида туриши ўрганилганда ишчиларнинг 64,5±3,1%и (n=169) шундай рўйхатда борлиги аниқланди, аҳоли бўйича эса бу кўрсаткичнинг ишонарли даражада 4,4 мартага пастлиги аниқланди-14,7±1,7% n=62 ($P<0,001$).

Фикримизча, корхонадаги соматик касалликлар қатори стоматологик касалликларни камайтиришга қаратилган профилактик тадбирлар, шу жумладан ишчиларни уюшган гуруҳ сифатида доимо диспансер назоратида тутиш ўз самарасини бериши аниқланган, уюшмаган гуруҳ сифатида талқин этилган аҳоли орасида диспансер назоратини ўрнатиш бўйича қийинчиликлар борлиги кўзга ташланиб турибди.

Кейинги босқичда текширилганлар орасида тиш-жағ ривожланиши аномалиялари, нотўғри тишлов учраши ўрганилди. Аниқланишича, корхона ишчиларида тиш-жағ аномалиялари учрамагани фониди (0%), нотўғри тишлов 16,0±2,3% (n=42) ҳолатда аниқланган, 84,0±2,3% ҳолатда тиш-жағ тизими ривожланиши меъёрдалиги аниқланган.

Аҳоли орасида бу параметрлар ишчилар кўрсаткичларига яқинлиги, рақамлар орасида ишонарли фарқ йўқлиги кузатилди-мос равишда 84,6±1,7% (n=356), 14,0±1,7% (n=59) ва 1,4±0,6% (n=6).

Бундай ҳолат ишчиларни ишга қабул қилишда бу параметрга эътибор берилмаслиги, ишлаб чиқариш омилларининг тиш-жағ тизимида аномалиялар ривожланишидаги ўрни амалий жиҳатдан йўқлигини кўрсатди.

Тадқиқотларга жалб қилинган ишчилар ва маҳаллий аҳолининг оғиз бўшлиғи шиллик қавати (ОБШҚ) ҳолати ўрганилганда бирмунча фарқли хусусиятлар кузатилди (3-жадвал).

3-жадвал

“Bukhara Brilliant Silk” корхонаси ишчилари ва шу ҳудудда яшовчи аҳоли оғиз бўшлиғи шиллик қавати ҳолатининг қиёсий кўрсаткичлари

Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари	“Bukhara Brilliant Silk” корхонаси ишчилари		Шу ҳудудда яшовчи аҳоли	
	Мутлоқ	%	Мутлоқ	%
Зарарланиш белгилари йўқ (соғлом шахслар)	181	69,1±3,4*↓	361	85,7±2,1
Гингивит	20	7,6±1,6*↑	17	4,0±0,9
Стоматит	12	4,6±1,2*↑	9	2,1±0,6
Кандидоз	7	2,7±1,1*↑	2	0,5±0,3
Бошқалар	42	16,0±2,3*↑	32	7,6±1,3

*Эслатма:**- ишчилар ва аҳоли гуруҳлари орасидаги ишонарли фарқ белгиси; ↓, ↑ - ўзгаришлар йўналишлари.

Келтирилган 3-жадвалдан кўриниб турибдики, ОБШҚ касалликлари ишчилар орасида ишонарли равишда кўп аниқланган (P<0,05-P<0,001).

Ишчилар орасида барча текширишга жалб қилинганларнинг 2/3 қисмининг (69,1±3,4%) ОБШҚ қаватида патологик ўзгаришлар кузатилмаган бўлса, аҳоли орасида (назорат гуруҳи) бу кўрсаткич 5/6 қисми (85,7±2,1%) ташкил этди. ОБШҚ касалликлари учраш даражаси қиёсий ўрганилганда уларнинг ишчилар орасида (асосий гуруҳ) статистик жиҳатдан тафовутли эканлиги кузатилди (P<0,05-P<0,001), жумладан гингивит ишчилар орасида 1,9 мартага (7,6±1,6% га қарши 4,0±0,9%), стоматит 2,2 мартага (4,6±1,2% га қарши 2,1±0,6%), ОБШҚ кандидози бўлса 5,4 мартага (2,7±1,1%га қарши 0,5±0,3%) кўп учрагани эътироф этилди.

Бошқа стоматологик касалликлар фониди ОБШҚ касалликларининг ишчилар орасида кўп учраши, фикримизча, ишлаб чиқаришда учрайдиган зарарли омиллар билан боғлиқ ва ушбу зарарли омиллар таъсирининг пасайтирилиши айтиб ўтилган стоматологик касалликлар камайишига замин яратади.

Бундай ҳулосага келишнинг асосий сабаби ишчиларнинг доимо диспансер назоратида туриши, йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтиши, аниқланган касалликлар, шу жумладан стоматологик касалликларни даволаш имкони кенглигига қарамасдан ОБШҚ касалликларининг кўп учрашидир. Ушбу ҳолат ишчиларнинг ишлаб чиқариш унумдорлигига салбий таъсир этишини ҳисобга олиб, ўтказиладиган профилактик тадбирларни айнан шу ҳолатни камайитиришга қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Тиш қаттиқ тўқималари ҳолатини ўрганишда асосан эмал гипоплазияси (тишларда доғ) учраш даражасига эътибор қаратилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, эмал гипоплазияси аниқланиш параметрлари бўйича қиёсланаётган гуруҳлар орасида амалий жиҳатдан фарқли ишонарли ўзгаришлар кузатилмади - мос равишда бу кўрсаткич ишчиларда 1,1±0,6% ни (n=3), аҳоли орасида бўлса 1,7±0,6% ни (n=7) ташкил этди.

Келтирилган маълумот дарак беришича, ишчилар орасида, иш стажидан қатъий назар, эмал гипоплазияси кам учраши тиш қаттиқ тўқималарини мустаҳкамлашга қаратилган махсус профилактика тадбирларини ўтказишга ҳожат йўқ, фақатгина оғиз бўшлиғи ва тишлар

соғлигини таъминлайдиган умум қабул қилинган профилактика чораларига амал қилинса, кифоя, деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотлар давомида аниқланишича, корхона ишчилари орасида стоматологик хизмат кўрсатилаётган бўлса ҳам, бу хаотик амалга оширилиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Хулоса

1. “Bukhara Brilliant Silk” корхонасида фаолият юритаётган ишчилар орасида стоматологик касалликлар асосий симптомларининг учраш даражаси шу корхона жойлашган ҳудудда истиқомат қиладиган, аммо корхонада фаолият юритмайдиган аҳолига нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Аниқланган 9 та кўрсаткичдан 8 таси ишчиларда 1,5-7,6 мартага кўп учраши билан тафовутланди. Катта миқдорда фарқланадиган ва профилактик тадбирларни режалаштиришда эътибор талаб этадиган симптомларга овқат ва ширинлик таъсирида тиш сезгирлиги ошиши (7,6 ва 6,1 мартага), милқлар қонаши (6,2 мартага), оғиз бўшлиғида дискомфорт (7,4 мартага) киритилди.

2. Ишчилар орасида барча текширишга жалб қилинганларнинг 69,1% ида ОБШҚ каватида патологик ўзгаришлар кузатилмаган бўлса, аҳоли орасида бу кўрсаткич 85,7% ни ташкил этди. ОБШҚ касалликлари ишчилар орасида статистик жиҳатдан тафовутли эканлиги кузатилди, жумладан гингивит ишчилар орасида 1,9 мартага, стоматит 2,2 мартага, ОБШҚ кандидози бўлса 5,4 мартага кўп учрагани эътироф этилди. Бошқа стоматологик касалликлар фониди ОБШҚ касалликларининг ишчилар орасида кўп учраши ишлаб чиқаришда учрайдиган зарарли омиллар билан боғлиқ.

3. Тиш-жағ тизими яллиғланиш касалликларидан пульпит ва периодонтит ташхисланди (корхона ишчиларида 48,5±3,0% ва 22,9±2,6% га қарши 4,85±2,4% ва 20,7±1,4%). Келтирилган параметрлар орасида ишонарли тафовут йўқ. Корхона ишчиларида ТЖА учрамагани фониди (0%), ногўғри тишлов 16,0±2,3% ҳолатда аниқланган, 84,0±2,3% ҳолатда тиш-жағ тизими ривожланиши меъёрдалиги аниқланган.

4. Эмал гипоплазияси аниқланиш параметрлари бўйича қиёсланаётган гуруҳлар орасида амалий жиҳатдан ишонарли ўзгаришлар кузатилмади - мос равишда бу кўрсаткич ишчиларда 1,1±0,6% ни, аҳоли орасида 1,7±0,6% ни ташкил этди. Ишчилар орасида, иш стажидан қатъий назар, эмал гипоплазияси кам учраши тиш қаттиқ тўқималарини мустаҳкамлашга қаратилган махсус профилактика тадбирларини ўтказишга ҳожат йўқ, фақатгина оғиз бўшлиғи ва тишлар соғлигини таъминлайдиган умум қабул қилинган профилактика чораларига амал қилинса, кифоя, деб ҳисоблаймиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Курбонова Н.И., Хабибова Н.Н. Новые возможности местной антибактериальной терапии и профилактика воспалительных заболеваний пародонта на фоне патологии органов пищеварения // Биология интегративная медицина. - 2020. - № 3 (43). – С. 64-75. [Kurbonova N.I., Khabibova N.N. Novyye vozmozhnosti mestnoy antibakterial'noy terapii i profilaktika vospalitel'nykh zabolevaniy parodonta na fone patologii organov pishchevareniya // Biologiya integrativnaya meditsina. - 2020. - № 3 (43). – S. 64-75.]
2. Kurbonova N.I. Dental prevention of morbidity in silk-welding workers// Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal. -2020. – VoL 10. Issue 5 May. – P. 1667-1669.
3. Курбонова Н.И., Хабибова Н.Н. Профилактика стоматологической заболеваемости у работников шелкомотального производства // Новый день в медицине. - 2020. 2 (30). – С. 250-253. [Kurbonova N.I., Khabibova N.N. Profilaktika stomatologicheskoy zabolevayemosti u rabotnikov shelkomotal'nogo proizvodstva // Novyy den' v meditsine. - 2020. 2 (30). – С. 250-253.]
4. Одилова Д.Б., Хайтматова Г.А. Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида инвестицияларнинг аҳамияти // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. - 2018. - № 2. - С. 1-6. [Odilova D. B., Haytmatova G. A. Ozbekistonning

- itisodiy taraqqiyotida investmentlarning ahamiati // “Iktisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron journal. - 2018. - No. 2. - S. 1-6.]
5. Qurbonova N.I., Khabibova N.N., Ikhtiyarova G.A. Hygienic Condition Of The Oral Cavity And The Level Of Hygienic Knowledge Of Silk Motor Workers// European Journal of Molecular & Clinical Medicine, 2020, Volume 7, Issue 3, Pages 3027-3033
 6. Тайлакова Д.И. «Эмбриональный гистогенез зубов в условиях загрязнения окружающей среды» // Сборник статей Международной научно-практической конференции “Актуальные вопросы стоматологии”, г. Уфа 2-3 июнь -2017. -С.205-211. [Taylakova D.I. «Embrional'nyu gistogenez zubov v usloviyakh zagryazneniya okruzhayushchey sredy» // Sbornik statey Mezhdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii “Aktual'nyye voprosy stomatologii”, g. Ufa 2-3 iyun' -2017.-S.205-211.]
 7. Березин В.А., Исмагилов О. Р., Старцева Е. Ю. Анализ стоматологического статуса у работников промышленно производственных предприятий (обзор литературы) //Уральский медицинский журнал.–2017. – №. 9.–С. 75-81. [Berezin V.A., Ismagilov O. R., Startseva Ye. YU. Analiz stomatologicheskogo statusa u rabotnikov promyshlenno proizvodstvennykh predpriyatiy (obzor literatury) //Ural'skiy meditsinskiy zhurnal.–2017. – №. 9.–S. 75-81.]
 8. Shirinova N.N., Xabibova N.N., Rajabova D.B. Over body weight as a factor influencing the development of periodontal diseases// Materialien der xvii internationalen wissenschaftlichen und praktischen konferenz Spitzenforschung - 2020| Volume 13. P 56.
 9. Березин В.А., Шулаев А.В., Галеев А.К. Влияние производственных факторов на показатели стоматологической заболеваемости (обзор литературы) //Уральский медицинский журнал. – 2017. – №. 9. – С. 82-86. [Berezin V.A., Shulayev A.V., Galeev A.K. Vliyaniye proizvodstvennykh faktorov na pokazateli stomatologicheskoy zabokeyayemosti (obzor literatury) //Ural'skiy meditsinskiy zhurnal. – 2017. – №. 9. – S. 82-86.]
 10. Саидова Н.А. Разработка веб-программы в практической стоматологии. // “Актуальные проблемы в стоматологии” Материал научно-практической конференции. - 2017. - С. 100. [Saidova N.A. Razrabotka veb-programmy v prakticheskoy stomatologii.// “Aktual'nyye problemy v stomatologii” Material nauchno-prakticheskoy konferentsii. - 2017. - S. 100.]

Қабул қилинган сана 09.01.2022